

**ОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КУРБАНОВ БАХОДИР БОБИРОВИЧ**

**ГЕНИТАЛ ПРОЛАПСНИ ДАВОЛАШДА ЖАРРОҲЛИК  
УСУЛИНИ ЯНГИЛАШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Курбанов Баходир Бобирович**

Генитал пролапсни даволашда жарроҳлик

усулини янгилаш..... 3

**Курбанов Баходир Бобирович**

Совершенствование хирургической коррекции

пролапса гениталий..... 19

**Kurbanov Bakhodir Bobirovich**

Improvement method of Genital prolapse

surgical correction..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КУРБАНОВ БАХОДИР БОБИРОВИЧ**

**ГЕНИТАЛ ПРОЛАПСНИ ДАВОЛАШДА ЖАРРОҲЛИК  
УСУЛИНИ ЯНГИЛАШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4./Тиб717 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каримов Аҳмад Ҳашимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:**

**Каттаходжаева Маҳмуда Ҳамдамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Неғмаджанов Баҳодир Болтаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етақчиташкилот:**

**Республика ихтисослаштирилган**  
**Ақушерлик ва гинекология илмий амалий**  
**тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Тиб.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: +99871-262-33-14, e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: +99871 - 262-33-14).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Э.А. Шамансурова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.И. Аҳмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнгги йилларда аёлларда ички жинсий аъзоларнинг пастга тушиб қолиши ва унинг оқибатлари муҳим тиббий ва ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Маълумотларга кўра, «...гинекологик касалликлар тузилмасида ички жинсий аъзоларнинг пастга тушиши 28% ни ташкил қилмоқда, катта гинекологик жарроҳлик амалиётларининг 15% эса айнан ушбу патология бўйича ўтказилмоқда»<sup>1</sup>. Аёллар билан ўтказилган сўровномалар шуни таъкидламоқдаки, «...генитал пролапсининг аёллар ёшига нисбатан учраши ортиб бормоқда, яъни 30 ёшгача 10,1%, 30-45 ёшда 40,2%, 50 ёшдан юқориларда – 50% гача учрамоқда»<sup>2</sup>. Бундай нохушликлар, сийдик тута олмаслик, қабзият, либидонинг пасайиши ва жинсий дисфункциялар билан боғлиқ муаммоларга олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида генитал пролапсни клиник кўринишлари ва кечиши жиҳатлари асосида касалликнинг хирургик даволаш усулларини ишлаб чиқишни тақазо этмоқда.

Жаҳон миқёсида, акушерлик ва гинекологик касалликларни, жумладан пролапсни хирургик даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада тос туби мушакларининг сустлиги ва бунинг оқибатида юзага келувчи жинсий аъзоларнинг пастга тушиб қолишини нохуш оқибатларини эрта баҳолаш; аёлларда пролапсни ирсий мойиллиги мавжудлигини аниқлаш; аёллар организмнинг физиологик ўзгаришларига олиб келувчи омилларни аниқлаш; репродуктив ёшдаги аёлларда ҳомиладорлик ва ҳомиладор бўлмаган даврларда скрининг назорати тизимини ишлаб чиқиш; касалликни хирургик даволаш тактикасини ишлаб чиқиш, рецидивларга қарши даволаш-профилактик тадбирларни белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда барча акушер-гинеколог соҳаси мутахассислари томонидан аёлларда учрайдиган хирургик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...аҳолига сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш»<sup>3</sup> вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, турли ёшдаги аёлларда ички жинсий аъзоларнинг пастга тушиб қолиши ва унинг оқибатларини эрта

<sup>1</sup>Кулаков В.И., Савельева Г.М., Манухин И.Б. Гинекология. Национальное руководство. М.: ГЭОТАР-медиа, 2009. С. 478.

<sup>2</sup>А.И. Ищенко, Л.С. Александров, Ю.В. Чушков и др. Российский вестник акушера-гинеколога // М., 2011, Т.11. №3. С.55-61.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

ташхислаш ва хирургик даволашни юқори замонавий инновацион усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Касаллик рецидивининг юқори даражада учраши генитал пролапси хирургик усул билан даволашнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда, бу 30% ҳолатларда жарроҳлик амалиётларини қайта бажаришга олиб келади. Шундай қилиб, олдинги кольпораффиядан сўнг рецидив частотаси 24-31% га, орқа кольпораффиядан сўнг – 25-35% га етади. (Hamann M.F et al., 2012) Проплапс туфайли қин гистерэктомиясидан сўнг қин гумбазининг тушиши кўринишидаги рецидив 43% гача частота билан ривожланади (Попов А.А. ва ҳаммуал., 2015). Ушбу ҳолатда давонинг консерватив усуллари самарасиз ҳисобланади ва патологияни фақатгина янада кучайтириши мумкин. Ушбу муаммодан буткул қутулиш учун қин деворларининг хирургик пластикасига мурожат қилган маъқул. Бачадонни олиб ташлагандан сўнг қиннинг пастга тушишида бажариладиган жарроҳлик амалиёти мушак – бойлам апаратини сунъий равишда маҳкамлаш ёрдамида аъзони кичик чаноқ бўшлиғида мустаҳкамлашга қаратилган.

Генетик жиҳатдан аниқланган тизимли етишмовчилик, яъни генитал пролапси бўлган беморларда 38% ни ташкил қилган бириктирувчи тўқима дисплазияси ушбу касалликнинг рецидивли кечишида асосий сабаб бўлиб ҳисобланади (Буянова С.Н. ва ҳаммуал., 2008). Шу муносабат билан ўз тўқималаридан фойдаланиш билан кенг қўлланиладиган пластикаларнинг узоқ муддатли натижалари жарроҳлар ва беморларни ҳам қониқтирмайди.

Генитал пролапси жарроҳлик усули билан даволашда кўпгина ҳал этилмаган муаммолари мавжуд. Улардан бири – чаноқ туби нуқсонларини коррекция қилиш учун синтетик протезлардан фойдаланишдир. Амалдаги жарроҳлик амалиётлари ҳар доим ҳам касалликни тубдан бартараф эта олмайди, шунинг учун бачадоннинг бойлам апаратини ва қин чўлтоғини маҳкамлаш учун синтетик материаллардан фойдаланган ҳолда жарроҳлик амалиётининг янги усуллари ишлаб чиқишга зарурат туғилади. Генитал

пролапс бўйича ўтказиладиган жарроҳлик амалиёти вақтида синтетик тасмадан фойдаланишда – операциядан кейин юзага келадиган асоратлар нисбатан кам учрайди ва қин чўлтоғининг пастга тушиб қолишининг рецидивлари кузатилмайдиган юқори даражадаги самарали усулдир. Шу сабабдан генитал пролапсни бартараф этиш, рецидивларни олдини олиш бўйича операциянинг янги техникасини ишлаб чиқиш ва даволаш тактикасини белгилаш илмий ва амалий жиҳатидан долзарб ҳисобланади. (Al-Mandeel. et al., - 2011; LucotJ.P et al., - 2015 )

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 3.26.3 «Қин орқали бачадон экстирпациясида синтетик тасмадан фойдаланган ҳолда қиннинг чўлтоғи ва боғламлар аппаратини мустаҳкамлашнинг янги хирургик усулини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** генитал пролапсни даволашда жарроҳлик усулини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

синтетик тасмадан фойдаланган ҳолда оператив давонинг янги техникасини ишлаб чиқиш;

пролапснинг ёши ва даражасига кўра операция усулини танлашда дифференцирланган ёндошувни ишлаб чиқиш;

генитал пролапсни бартараф этишда ва унинг думғаза-бачадон бойламларининг сакропексияси, пликцияси билан бирга келганда ишлаб чиқилган янги жарроҳлик техникаси самарадорлигини баҳолаш;

аёлларда генитал пролапсни бартараф этишда таклиф этилган операция усули самарадорлигини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1-сон Республика марказий шифохонаси ва 6-сон шаҳар туғруқхонасига режадаги оператив давога келган турли даражадаги генитал пролапс ташхисли 117 нафар аёллар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида аёллар вена қони ва зардоби умумклиник ва биокимёвий таҳлиллар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, гинекологик, инструментал, функционал, биокимёвий, гистологик ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор пролапсини бартараф этишда қин чўлтоғини синтетик тасма ҳамда унинг дистал ва проксимал қисмлари думғаза-бачадон ва дум суяги-қуймич бойламларига мос равишда пликция орқали маҳкамланиши юқори самарадор эканлиги исботланган;

илк бор энтероцеледа думғаза-бачадон ва думғаза-ўтиргич бойламларини ҳамда қин деворларини синтетик тасма билан бирга тикиш қин чўлтоғини олдинги ва орқа деворини қайта тушиши келиб чиқишини қамайтириши исботланган;

генитал пролапс операциясида думғаза-бачадон бойламларининг сакропексияси, пликцияси ва TVT-O билан бирлаштириш стрессли сийдик тута олмасликни бартараф этиши аниқланган;

генитал пролапснинг биринчи даражасида синтетик проленли тасма билан думғаза-бачадон бойламларини қисман хирургик калталаштириш орқали репродуктив ёшдаги аёлларда бачадоннинг генератив фаолиятини сақлаб қолиши асосланган.

**Тақиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

генитал пролапс рецидивларини бартараф этиш, ёш аёлларда эса репродуктив функцияни сақлаб қолишга имкон берувчи операция усули ишлаб чиқилган;

генитал пролапснинг турли даражаларида думғаза-бачадон бойламларини калталаштиришни сакропексия билан бирга олиб бориш самарадорлиги асосланган;

жарроҳлик техникасига кўрсатма ва қарши кўрсатмалар, ҳамда ушбу операцияни сакропексия ва TVT-O билан биргаликда қўллаш ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти генитал пролапсни хирургик даволашни такомиллаштириш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш, қин чўлтоғини синтетик тасма ҳамда унинг дистал ва проксимал қисмлари думғаза-бачадон ва дум суяги-қуймич бойламларига мос равишда маҳкамланиши ҳамда думғаза-бачадон бойламларининг сакропексияси, пликцияси ва TVT-O билан бирлаштириш касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади;

тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти генитал пролапс рецидивларини бартараф этиш, ёш аёлларда эса репродуктив функцияни сақлаб қолишга имкон берувчи операция усули ишлаб чиқилганлиги, турли даражаларида думғаза-бачадон бойламларини калталаштиришни сакропексия билан бирга олиб бориш касаллик ривожланишини олдини олиши ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Генитал пролапсни хирургик даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Энтероцелени қин орқали жарроҳлик йўли билан даволаш усули» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг



ихтирога патенти (IAP 05725) олинган. Мазкур патент энтероцелени қин орқали жарроҳлик йўли билан самарали даволаш чора-тадбирлари ўтказишга имкон яратган;

«Аёлларда энтероцелени жарроҳлик даволашнинг модификациялаштирилган усули» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 20 июндаги №8н-д/155-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма аёлларда Энтероцелени жарроҳликнинг янги ўзгартирилган усули ёрдамида самарали даволашга имкон яратган;

Генитал пролапсни хирургик даволашни такомиллаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент вилояти перинатал маркази ва 1-сонли Республика марказий клиник шифохонаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 сентябрьдаги №8н-з/155-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини оширади, такомиллаштирилган жарроҳлик усулини қўллаш пролапсда интраоперацион асоратлар ва рецидивларини камайтириш орқали аёллар ҳаёти сифатини яхшилашга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг нашр қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шулардан 1 та патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 77 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва ўтказилган тадқиқотларнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Генитал пролапснинг этиопатогенези, клиникаси ва диагностикаси ҳақидаги замонавий тасаввурлар» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Бунда генитал пролапснинг этиологияси ва патогенези ҳақидаги замонавий маълумотлар таҳлил

қилинган, ҳамда, касалликнинг клиникаси, диагностикаси ва қиёсий ташхисига батафсил баҳо берилган. Шунингдек генитал пролапсни оператив даволаш турлари батафсил баён қилинган.

Диссертациянинг «**Клиник материалнинг умумий характеристикаси ва генитал пролапс билан оғриган беморларни текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари келтирилган. Махсус ишлаб чиқилган индивидуал карта ёрдамида 32 ёшдан 67 ёшгача бўлган 117 нафар аёллар орасида сўровнома қилинган ва кўриқдан ўтказилган, ҳамда аёлларнинг касаллик тарихидан кўчирма амалга оширилган. Барча аёллар 6-сонли шаҳар туғруқ комплекси, шунингдек Республика 1-сонли марказий клиник шифохонасига режадаги оператив давога ётқизилган.

Анамнези, ёши, йўлдош касалликлар, пролапснинг характери ва ўзига хослиги, тос аъзолари функциясининг бузилиши, жинсий ҳаётнинг мавжудлиги ёки йўқлигини ҳисобга олган ҳолда оператив давога кўрсатма ва қарши кўрсатмага қатъий риоя этиш пролапс бўлган беморларда хирургик давонинг ижобий яқун топишида муҳим таркибий қисм бўлиб ҳисобланади.

Хирургик давонинг ҳажми ҳақидаги қарор ҳар бир ҳолатда индивидуал тарзда қабул қилинди.

Жарроҳлик амалиётининг усулини ҳисобга олган ҳолда барча текширувдан ўтганлар 3 гуруҳга бўлиндилар.

Биринчи гуруҳни (асосий) янги технология бўйича синтетик пролен тасмасидан фойдаланган ҳолда бойлам апаратини маҳкамлаш ва қин чўлтоғини фиксация қилиш билан бачадоннинг вагинал экстирпацияси жарроҳлик амалиёти ўтказилган 57 нафар аёл ташкил қилди.

Иккинчи гуруҳдаги 27 нафар аёлга олд ва орқа кольпоперинео-леваторопластика билан лапаротомик сакропексия операцияси ўтказилди.

Учинчи гуруҳдаги 33 нафар аёлга думғаза–бачадон бойламлари ва олд ва орқа кольпоперинео-леваторопластика билан биргаликда гениталия пролапсини коррекция қилиш бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Барча операциялар турли даражадаги гениталия пролапсини хирургик даволаш мақсадида бажарилди.

Барча гуруҳдагилар касалликнинг ижтимоий-биологик тавсифи ва оғирлик даражаси бўйича таққосланди.

Аёлларнинг аҳолини баҳолаш учун биз анамнестик маълумотларни йиғдик ва синчковлик билан таҳлил қилдик, аёллар умумий кўриқ, гинекологик текширув, кўрсатмага кўра мутахассислар (терапевт, ревматолог, кардиолог, қон томири жарроҳи ва б.) кўригидан ўтказилди. Стационарга ётқизилган беморлар қуйидаги клиник-лаборатор текширувдан ўтдилар: умумий қон таҳлили, умумий пешоб таҳлили, Нечипоренко бўйича пешоб таҳлили. Бундан ташқари, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари аниқланди: умумий оқсил, билирубин, мочевина, креатинин, ферментлар (АлТ, АсТ). Қон сифилис, ОИВ, гепатит В ва С га текширилди. Барча беморларга инфекция скрининг: 3 нуқтадан бактериологик ва бактериоскопик текширув ўтказилди.

Қонни ивитиш ингибиторларининг тромбоцитар, прокоагулянт звеноси ва гемостаз тизимининг фибринолитик звеноси текширилди.

Оператив даводан олдин ва кейин гемостаз тизимининг тромбоцитар, прокоагулянт ва фибринолитик звеносининг ҳолатини текшириш ва уларни баҳолаш Германиянинг Behnk Elektronik фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган “Тромбостат-1” коагулометрида олиб борилди.

Тромбоцитларнинг умумий миқдори, тромбин вақти, фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти, протромбин индекси (ПТИ), фибриноген концентрацияси аниқланди. Плазмада эрувчан фибрин даражаси (РФМК) Россиядаги “Технология – стандарт” фирмасининг “РФМК-тест” стандарт тест-тизимидан фойдаланган ҳолда орто-фенантролин усули билан аниқланди.

Стационардаги беморлар УТТ (трансвагинал ва абдоминал), доплерометрия, кўрсатма бўйича КТ, МРТ ва б. лар каби кўшимча кўриклардан ўтказилдилар. Кўшимча текширув усуллари бачадон бўйнига нисбатан аъзоларнинг топографик-анатомик ўзаро жойлашганлиги, чурра қопчаси таркиби, тинч ва зўриқиш вақтида уретровезикал бурчакнинг ўлчами, қолдиқ пешоб миқдори, детрузор қалинлиги, тос туби мушакларининг ҳолати, операциядан кейинги даврда қин чўлтоғининг ҳолатини баҳолашга имкон бердилар. Бачадон бўйнининг сийдик қопи ёки тўғри ичакнинг деворидан силжиши бўйича билвосита тос фасциясининг нуқсонлари аниқланди.

Бачадон бўйни касалликлари ва оператив даво ҳажмини аниқлаш мақсадида барча беморларга кенгайтирилган кольпоскопия ўтказилди.

Гениталия пролапси бўйича аъзони сақлаб қолиш операциясидан (R. Edwards, J. Duckett, 2010) сўнг 0,8% ҳолатларда аденокарциноманинг ривожланиш хавфи юқори эканлигини ҳисобга олиб, эндометрия патологиясини инкор қилиш ва жарроҳлик амалиётининг ҳажмини аниқлаш учун операциядан аввал гистологик текширув ўтказиш билан эндометрия биопсияси ўтказилди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотларга Pentium-V шахсий компютерида статистик ишлов беришнинг ўрнатилган функцияларидан фойдаланишни ўз ичига олган Microsoft Office Excel-2003 дастурий тўпламидан фойдаланган ҳолда статистик ишлов берилди. Ўрганилган кўрсаткичнинг арифметик ўртача қиймати (M), ўртача квадратик оғиш ( $\sigma$ ), ўртача хатонинг ўртача қиймати (m), нисбий қийматларни (частота, %), ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва параметрик бўлмаган статистиканинг усуллари билан фойдаланилди, тақсимот меъёрини (эксцесс мезони бўйича) ва умумий тафовутларнинг (F-Фишер мезони) тенглигини текширишда ўртача қийматларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти хатолар эҳтимолини (P) ҳисоблаб чиқиш билан Стьюдент мезонлари (t) бўйича аниқланди. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар учун ишонч даражаси  $P < 0,05$  қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Генитал пролапсининг хирургик коррекцияси**» деб номланган учинчи бобида турли даражадаги гениталия пролапси бўлган

аёллар ҳақида материаллар келтирилган, кўриқдан ўтаётган гуруҳларнинг дифференциал таҳлили олиб борилди, шунингдек оператив давонинг қиёсий тавсифи ўтказилди.

Акушер-гинекологик анамнезни йиғишда биз ҳомиладорлик ва туғруқлар сонига; туғруқ вақтидаги асоратлар (йирик ҳомила, кин, оралик, бачадон бўйнининг йиртилиши), ҳамда абортлар ва бола ташлашлар сонига эътибор қаратдик. Деярли барча гуруҳдаги аёлларда кўп сонли ҳомиладорлик ва туғруқлар бўлган, буни 1-жадвалда кузатиш мумкин.

1-жадвал.

### Текширувдаги гуруҳлар акушерлик-гинекологик анамнези

Текширув гуруҳлари	Акушерлик анамнези (Х-ҳомиладорлик; Т – туғруқлар; А – абортлар; Б – бола ташлаш)			
	Х-ҳомиладорлик	Т – туғруқлар;	А – абортлар;	Б-бола ташлаш
Биринчи гуруҳ n=57	4,4+0,17	3,5+0,12	1,6+0,10	1,2+0,06
Иккинчи гуруҳ n=27	4,1+0,14	3,4+0,10	1,4+0,09	1,2+0,07
Учинчи гуруҳ n=33	4,1+0,15	3,3+0,10	1,3+0,09	1,3+0,11

2-жадвал.

### Генитал пролапсга олиб келувчи етакчи факторлар.

Текширув гуруҳлари	Биринчи гуруҳ (n=57)	Иккинчи гуруҳ (n=27)	Учинчи гуруҳ (n=33)
Тез-тез туғиш	51 (89,4%)	25 (92,5%)	30 (90%)
Йирик ҳомиланинг туғилиши	43 (75,4%)	23 (85%)	28 (84,8%)
Ораликнинг йиртилиши	49 (86%)	26 (96,3 %)	29 (87,7%)
Оғир жисмоний меҳнат	30 (52,6 %)	14 (51,85%)	14 (42,42%)

Маълумки, кўп туғиш, ораликнинг турли даражадаги йиртилиши, йирик ҳомиланинг туғилиши, ҳамда оғир жисмоний меҳнат пролапс ривожланишининг асосий сабаблари бўлиб ҳисобланади. Ҳомила

макросомияси деб биз анамнезида ҳомиланинг оғирлиги 3700 граммдан кўп бўлган туғруқни ҳисобга олдик. 2-жадвалдан кўриниб турибдики, биринчи гуруҳдаги беморларнинг анамнезида тез-тез туғиш 89,4% ҳолатларда, ҳомила макросомияси 75,4%, ораликнинг йиртилиши 86% ва оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланиш 52,6% ҳолатларда кузатилган. Иккинчи гуруҳдаги аёлларнинг анамнезида тез-тез туғиш 92,5% ҳолатларда, йирик ҳомиланинг туғилиши 85%, ораликнинг йиртилиши 96,3% ва оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланиш 51,85% ҳолатларда кузатилган. Учинчи гуруҳдаги аёлларнинг анамнезида тез-тез туғиш 90% ҳолатларда, йирик ҳомиланинг туғилиши 84,8%, ораликнинг йиртилиши 87,7% ва оғир жисмоний меҳнат 42,42% ҳолатларда кузатилган.

Аёллар текширувдан ўтказилганда 3-жадвалда келтирилган йўлдош гинекологик касалликлар аниқланди. Барча гуруҳларда юқори кўрсаткичларга эга бўлган Цистоцелле ва сийдик уша олмаслик симптомлар 69,2 % ҳолатларда кузатилган, ректоцелле эса 36,4% ҳолатларда аниқланди.. Гистерэктомияга кўрсатмаси бўлган биринчи гуруҳдаги аёлларда 28,07% ҳолатларда бачадон миомаси аниқланган.

3-жадвал.

### Ҳамроҳ гинекологик касалликлар частотаси

Ташхис	Биринчи гуруҳ n=57		Иккинчи гуруҳ n=27		Учинчи гуруҳ n=33		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Бачадон миомаси	16	28,1±6,0	8	29,6±9,0	1	3,0±3,0 ***^	22	18,8±3,6
2томонлама сальпингит	1	1,8±1,8	0	0	1	3,0±3,0	2	1,7±1,2
Бачадон бўйнининг II-III даражадаги эскирган йиртилиши	10	17,5±5,1	11	40,7±9,6*	9	27,3±7,9	30	25,6±4,1
Бачадон бўйнининг эллонгацияси	10	17,5±5,1	1	3,7±3,7*	1	3,0±3,0*	12	10,3±2,8
Бачадон бўйнининг эрозияси	1	1,8±1,8	1	3,7±3,7	0	0	2	1,7±1,2
Стресс сийдик тута олмаслик	10	17,5±5,1	0	0*	18	54,5±8,8***^^^	19	16,2±3,4
Эндометрия полипи	2	3,5±2,5	1	3,7±3,7	0	0	3	2,6±1,5
Тухумдон кистаси	3	5,3±3,0	1	3,7±3,7	6	18,2±6,8^	10	8,5±2,6
Бошқалар	10	17,5±5,1	9	33,3±9,2	4	12,1±5,8^	23	19,7±3,7

Изоҳ: \*- биринчи гуруҳга нисбатан ишончли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01)

^ - иккинчи гуруҳга нисбатан ишончли (^-P<0,05; ^^ -P<0,001)

Кекса беморларга ва пролапснинг рецидив шаклларида синтетик проленли тасмадан фойдаланиб, бойлам аппаратини маҳкамлаш ва кин чўлтоғини фиксация қилиш билан бачадон экстирпациясининг янги

технологияси бўйича қин орқали кириш билан бачадон экстирпацияси операцияси бажарилди. Стрессли сийдик тута олмаслик бўлган беморларга қўшимча тарзда сийдик тута олмасликни коррекция қилиш учунTVT-O қўйилди. Операция усулини танлашни доимо беморларнинг ўзига қўйиб берилди.

Нафақат анатомик, балки функционал ўзаро муносабатларни ҳисобга олган ҳолда тос тубининг нормал архитектуроникасини тиклаш хирургик давони ўтказишнинг мақсади бўлиб ҳисобланди. Генитал пролапсини хирургик даволашнинг усули ва ҳажмини танлаш гениталия пролапсининг оғирлик даражаси ва шакли, бачадон ва тухумдон касалликларининг мавжудлиги, репродуктив функцияни сақлаб қолиш истаги, беморларнинг соматик статуси, хирургик коррекцияни талаб этувчи йўлдош экстрагенитал патология, сийдик чиқариш ва дефекациянинг бузилиши, ҳамда сексуал фаолликка боғлиқ бўлди.

Текширув гуруҳининг характеристикаси 4-жадвалда келтирилган. Янги технология бўйича ўтказилган қин гистерэктомияси (биринчи гуруҳ) шундан иборат бўлдики, операция жараёнида синтетик тасмадан фойдаланиб, думғаза-бачадон бойламларининг пликцияси ўтказилди ва унинг дистал бўлими қуймич-дум суяги бойлами ва қин чўлтоғига фиксация қилинди. Бунда қин чўлтоғи тушишининг олди олинади, қиннинг чуқур гумбази шакллантирилади. Тасма тўрсимон тузилишга эга. Яра ўрни тузалаётганида тасма қуймич-дум суяги бойлами ва қин чўлтоғига ўсиб киради. Шу билан қин чўлтоғи айтиб ўтилган бойламларда маҳкамланади.

4-жадвал.

#### Текширув гуруҳларда жарроҳлик жараёнининг характеристикаси

Характеристикалари	Биринчи гуруҳ (n=57)	Иккинчи гуруҳ (n=27)	Учинчи гуруҳ (n=33)
Беморларнинг ёши	56,4+1,6	36,6+1,6***	34,3+1,5***
Анамнезида қорин бўшлиғини очиш амалиёти ўтказилганлиги	16 (28,1%)	13 (48,1%)	9 (27,3%)
Операциянинг давомийлиги (дақ)	81,1+1,5	88,1+1,3**	65,6+2,2***^^^
Умумий қон йўқотиш (мл)	180,4+3,3	182,7+7,1	155,6+8,4*^
Операциядан кейинги ётоқ куни	4,1+0,11	4,2+0,13	4,7+0,12**^
Операциядан кейин ҳаёт сифатининг тикланиши (ойларда)	2,0+0,08	2,1+0,10	1,8+0,11^

Изоҳ: \*- биринчи гуруҳга нисбатан ишончли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01)

^- иккинчи гуруҳга нисбатан ишончли (^-P<0,05; ^^^-P<0,001)

Ушбу техниканинг иккинчи афзаллиги—думғаза-бачадон бойламлари қисқаради, интраперитонеал жойлашган тасма эса

бойламларнинг чўзилишига йўл қўймайди ва чуқур қин шаклланади, бу нормал жинсий ҳаёт кечиришга имкон беради.

Янги технология бўйича ўтказилган қин гистероэктомиясида операция давомийлиги ўртача 81,1 дақиқани ташкил қилган. Беморлар шифохонада 4-5 кун давомида бўлганлар. Ўртача қон йўқотиш - 180,4+3,3 мл. Интраоперацион асоратлар кузатилмаган. Операциядан кейинги давр силлиқ кечган.

2 ой ичидаги узоқ муддатли натижалар ўрганилди. Янги технология бўйича жарроҳлик амалиётини бошидан кечирган кўпчилик аёллар операция натижаларидан қониққанлар. Операциядан аввал кузатилган шикоятлар бутунлай бартараф этилган. Барча соғлиқ билан боғлиқ бўлган ҳаёт сифатининг яхшиланганлигини қайд этганлар.

Репродуктив функцияни сақлаб қолишни истаган, генитал пролапсининг юқори даражаси бўлган иккинчи гуруҳдаги аёлларга сакропексия операцияси ўтказилган. Бу операция икки босқичда ўтказилади: қин босқичи ҳамда абдоминал босқич.

Аввалига абдоминал босқич яъни минилапаратомия қилиниб, бачадон танаси синтетик тасма орқали промоториумга фиксация қилинади бунда синтетик проен тасма интраперитонеал жойлашади.

Қин операцияси босқичи–проленли тасма ёрдамида думғаза-бачадон бойламларининг пликцияси билан олдинги ва орқа кольпоперинео-леваторопластика билан яқунланади.

Барча ҳолатларда перидурал анестезиядан фойдаланилди. Профилактика мақсадида барча беморларга операциядан 30 дақиқа олдин томир ичига антибиотиклар юборилди.

Операция вақтида кўрсатмага кўра 8% ҳолатларда консерватив миомэктомия ўтказилди, 2 нафар беморга ўнг томонлама аднексэктомия ва 3 нафар беморга цистэктомия ўтказилди.

Ҳеч бир ҳолатларда интраоперацион асоратлар кузатилмади. Операциядан кейинги давр силлиқ кечган.

Сакропексия операцияси ўртача 90 дақиқадан 120 дақиқагача давом этган. Беморлар шифохонада 5-6 кун давомида бўлганлар. Ўртача қон йўқотиш - 182,7+8,4 мл.

Репродуктив функцияни сақлаб қолишни истаган, пролапсининг энгил даражаси бўлган учинчи гуруҳ аёлларида синтетик тасмадан фойдаланган ҳолда думғаза-бачадон бойламларининг пликцияси билан бир қаторда олд-орқа кольпоперинео-леваторопластика ўтказилди.

Аёлларнинг ўртача ёши 34,3+1,5 ёшни ташкил қилган. Операциянинг ўртача давомийлиги 65.6 дақиқани ташкил қилган. Беморлар шифохонада 4-5 кун давомида бўлганлар. Ўртача қон йўқотиш - 155,6+8,4 мл.

5-жадвалда текширувдаги гуруҳларда йўлдош жарроҳлик амалиётлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Интраоперацион ҳолат ва кўрсатмага боғлиқ ҳолда қўшимча хирургик элементлар бажарилди. Стрессорли сийдик тута олмасликни даволашда олтин стандарт бўлиб ҳисобланган TVT-О операцияси ўтказилди. 25 та операцияларнинг барчаси обтуратор усулда олиб борилди. Интраоперацион асоратлар аниқланмади. Операциядан

кейинги даврда барча беморлар сийдик чиқариш функциясининг тўлиқ меъёрлашганлигини билдирганлар. Биринчи гуруҳда у 52%, иккинчи гуруҳда 37% ҳолатларда олиб борилган. Энг кўп, айнан эса бу операция 75,7% ҳолатларда учинчи гуруҳда ўтказилди.

Иккинчи гуруҳдаги аёлларда 29.6% ҳолатларда операция вақтида Консерватив миомэктомия олиб борилди. Интраоперацион асоратлар уччала гуруҳларда ҳам кузатилмаган.

5-жадвал.

**Текширув гуруҳларда ҳамроҳ жарроҳлик ёндашуви**

Характеристикалар	Биринчи гуруҳ (n=57)		Иккинчи гуруҳ (n=27)		Учинчи гуруҳ (n=33)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Консерватив миомэктомия	-	-	8	29,6±9,0	-	-
2 томонлама аднексэктомия	5	8,8±3,8	4	14,8±7,0	-	-
Бир томонлама аднексэктомия	15	26,3±5,9	3	11,1±6,2	-	-
Тубэктомия	6	10,5±4,1	1	3,7±3,7	-	-
Цистэктомия	2	3,5±2,5	3	11,1±6,2	4	12,1±5,8
Операция TVT-О	30	52,6±6,7	10	37,0±9,5	25	75,8±7,6*^
Интраоперацион асоратлар	-	-	-	-	-	-
Операциядан кейинги асоратлар	-	-	-	-	-	-

Изоҳ: \*- биринчи гуруҳга нисбатан ишончли (\*-P<0,05)


^- иккинчи гуруҳга нисбатан ишончли (^-P<0,01)

Олинган натижалар генитал пролапсни хирургик даволашга бўлган ёндошувларни оптималлаштириш ва жарроҳлик техникасини такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни олиб бориш зарур эканлигини таъкидлайди.

Дунёда ва Ўзбекистонда кузатилаётган аёлларнинг умр кўриш давомийлигининг ўсиши соғлиқни сақлаш тизими олдида фаолият даврини узайтириш, ижтимоий фойдали ҳаёт, яъни ҳаёт сифатини яхшилаш каби вазифаларни кўяди.

Биз томондан генитал пролапс билан хаста аёлларда, ёши ва пролапс турига кўра операция методини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилди (расм 1).





**1-расм. Генитал пролапси бўлган беморларда оптимал операция тури ва ҳажмини танлаш бўйича алгоритм**

## ХУЛОСА

Тиббиёт фанлари бўйича “Генитал пролапсни даволашда жарроҳлик усулини янгилаш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган изланишлар асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Қин чўлтоғини синтетик тасмага фиксация қилиш билан гениталия пролапсини бартараф этиш бўйича операциянинг биз томондан ишлаб чиқилган усулининг юқори даражадаги самарадорлиги исботланган. Тасманинг дистал ва проксимал қисмлари думғаза-бачадон ва дум суяги-қуймич бойламларига мос равишда маҳкамланган. Ушбу усул айниқса пролапс рецидивларида жуда самарали.
2. Генитал пролапснинг I даражаси бўлган генератив функциясини сақлаб қолишни истаган репродуктив ёшдаги аёлларда синтетик проленли тасмадан фойдаланган ҳолда думғаза-бачадон бойламларини калталаштириш усули юқори самара бериши аниқланган. Операция анъанавий тарзда леваторпластика билан олд-орқа кольпоперинеораффия билан яқунланган.
3. Генитал пролапснинг II-III даражаси бўлган аёлларда биз томондан таклиф этилган усул бўйича думғаза-бачадон бойламларини калталаштиришни сакропексия билан бирга олиб бориш мақсадга мувофиқ.
4. Репродуктив ёшдаги аёлларда (37%) ва кекса ёшдагиларда (82%) сийдик тута олмасликнинг юқори частотада учрашини ҳисобга олиб, стрессли сийдик тута олмасликни бартараф этиш учун операциянинг таклиф этилган усулини TVT-О операцияси билан бирга ўтказиш тавсия этилади.
5. Олиб борилган изланишлар натижасида касалликнинг рецидивларини бартараф этишга, ёш аёлларда эса репродуктив функцияни сақлаб қолишга имкон берувчи таклиф этилган операция усулининг юқори даражадаги самарадорлиги исботланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ПЕДИАТРИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**КУРБАНОВ БАХОДИР БОБИРОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ХИРУРГИЧЕСКОЙ КОРРЕКЦИИ  
ПРОЛАПСА ГЕНИТАЛИЙ**

**14.00.01 – Акушерство и гинекология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.4./Tib717**

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета [www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

**Научный руководитель:**

**Каримов Ахмад Хашимович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Негмаджанов Баходир Болтаевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Республиканский специализированный научно-практический центр акушерства и гинекологии**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте (Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, улица Богишамол, дом 223.(Тел./факс: (+99871)-262-33-14; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz))

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирован за № \_\_\_\_\_) Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, улица Богишамол, дом 223.(Тел./факс: (+99871)-262-33-14

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года).

**А. В. Алимов**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

**Э. А. Шамансурова**

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

**Д. И. Ахмедова**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Опушение и выпадение внутренних половых органов в нашей Республике является актуальной проблемой. В настоящее время по данным исследований «... в структуре гинекологической заболеваемости на долю опущения и выпадения внутренних половых органов приходится до 28%, а из так называемых больших гинекологических операций 15% производится именно по поводу данной патологии»<sup>1</sup>. «Частота встречаемости пролапса гениталий у женщин неуклонно растет, так у женщин до 30 лет встречаемость 10.1%, 30-45 летних женщин 40.2%, 50 и выше – до 50%»<sup>2</sup>. Это сопровождается дискомфортом, недержанием мочи, запорами и снижением либидо. Вследствие этого возникает необходимость совершенствования хирургической техники оперативного лечения.

Во всем мире особое внимание уделяется исследованиям, направленным на совершенствование методов хирургического лечения и профилактики акушерских и гинекологических заболеваний, в том числе пролапса гениталий. Ранняя оценка неблагоприятных последствий несостоятельности мышц тазового дна и, следовательно, опущения женских половых органов; определение наличия наследственной предрасположенности развития пролапса гениталий у женщин; выявление факторов, способствующих физиологическим изменениям в женском организме; разработка тактики хирургического лечения заболевания; разработка лечебно-профилактических мероприятий направленных против рецидивов пролапса является одной из актуальных проблем, стоящих перед специалистами в данной отрасли.

В нашей стране особое внимание уделяется совершенствованию системы социальной защиты и здравоохранения, включая раннюю диагностику и уменьшения осложнений хирургических заболеваний среди женщин. В связи с этим, определены цели «... расширения доступа населения к качественным медицинским услугам, оказания специализированной и высокотехнологичной медицинской помощи»<sup>3</sup>. Исходя из этого, важно повышать качество медицинских услуг на новый уровень, разрабатывать высокотехнологичные инновационные методы ранней диагностики и хирургического лечения опущения и выпадения женских половых органов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит

<sup>1</sup>Кулаков В.И., Савельева Г.М., Манухин И.Б. Гинекология. Национальное руководство. М.: ГЭОТАР-медиа, 2009. С. 478.

<sup>1</sup>А.И. Ищенко, Л.С. Александров, Ю.В. Чушков и др. Российский вестник акушера-гинеколога // М., 2011, Т.11. №3. С.55-61.

<sup>1</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан № 3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы»

решению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», Указом Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года № ПП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» и других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетным направлением развития науки и технологий республики.** Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

